
Мактабларда якуний имтиҳонлар бекор қилинди

Бу ҳақда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов маълум қилди:

(<https://t.me/shshermatov/56>) Президентимиз томонидан карантин вақтида аҳолига имкон борича қўшимча қулайлик яратиш бўйича белгиланган вазифани амалга ошириш ҳамда кўпчилик оналарнинг илтимослари инobatга олиниб, бу ўқув йили якунидаги имтиҳонлар бекор қилинади.

□Баҳолар қандай қўйилади?

"Мактабларга ўқувчиларнинг йиллик баҳоларини истисно тариқасида жорий ўқув йилининг 3 та чорак баҳолари асосида чиқариш тавсия этилади", — деди вазир.

???? Шу билан биргаликда kundalik.com тизими жорий этилган мактабларда карантин вақтида тиришқоқлик билан ўқиган ўқувчиларимизга рағбатлантириш сифатида 4-чоракдаги фақат ижобий баҳоларини ҳам йиллик баҳоларини ҳисоблашда инobatга олиш тавсия этилади.

2020-05-20 18:54:45